

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРИ ВА ФОЙДАЛАНИЛГАН МАТОЛАР

Турсунова Ҳилола Яркуловна

*Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи,*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада ўзбек халқининг миллий кийимлар ва фойдаланган матоларнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида маълумотлар тўлиқроқ қилиб ёритиб берилди.*

**Калит сўзлар;** *юнги, яхлит, хиштак*

Инсон яралибдики у эришган юксак инқилобий ўзгаришлардан бири бу кийим-кичаклардир. Одомзот табиат фаслларининг алмашинувига қараб ўз танасини асраш учун кийимга эҳтиёж сезганлар. Дастлаб ҳайвонлар териси ва юнгидан; Масалан туя, қўй, эчки ёки ҳар хил ўсимлик пояларидан хом-ашё сифатида фойдаланган бўлсалар кейинчалик пахта, пилла (ипак) толаларидан бош кийим ва матолар тўқиб кийим-кечаклар тикилган ва шунга ўхшаш уй-рўзғор буюмлари яритила бошлаган. Инсон шу билан чегараланиб қолмасдан уларга янада жозоба бериш мақсадида ранг бериш ва ҳар хил безаклар солиш сирларини кашф қилганлар. Матоларга ранг беришда турли хил ўсимликлар жумладан анор, пиёз, ёнғоқ, пўстлоғидан табиий услубда буяганлар. Безаклар беришда эса ўсимликсимон ҳамда геометрик нақшлардан ёки ҳайвонлар ва қушлар тасвирини тушриш анъана тусига айланган.

XVI-XVII асрлар давомида Мовароуннаҳрда тўқилган ип-газлама ҳамда ипак матолар чегарадош мамлакатларда катта қизиқиш билан харид қилинган. Қадимий тасвирий ва рамзий безакли матолар нақшинкор-безакли матоларга ўрнини бўшатиб берган, турфа рангли йўл-йўл, ўсимликсимон, ҳандасавий ва мавзули нақшлар устуворлик касб этган.

Ўтмишда Бухоро, Самарқанд, Марғилон ва Қўқонда ишлаб чиқарилган ипак матолар- шойилардан аёллар либосларида кўпроқ фойдаланган. Матолар орасида буялмаган қўлда тўқилган матолар халқ орасида кенг тарқалган.

Ўрта Осиё халқларининг кийим-кечаклари кўп асрлик тарихга эга бўлиб, ҳар бир элат ва этник гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятли бош-оёқ кийимлари мавжудлиги, уларнинг тарихий тақдири, маданияти узоқ давр ўзаро яқин бўлганлигидан далолат беради.

Зарафшон воҳасининг кийимларининг таркиби ва тикилиши анъаналарига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Аёллар ва болалар либослари шаклан кўриниши жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиб, асосан иқлим шароитларига мослаштириб, кенг ва тўғри тикилган. Бундай либослар оддий усулда, баъзан қайчисиз ва андазасиз, яхлит матодан йиртиб тикилган Аёллар кўйлаги қадимда диярли бир хил бичимда бўлиб, айримлари ёқали ва ёқасиз тикилган. Матони

иккига буклаб елка тамонга кўндалангига икки енг билан бир парча тўртбурчак хиштак (қўлтиғига) солинган. Куйлакнинг ёқа қисмига машинкада қора ва кўк ип билан илонизи қилиб шакл бериб тикилган. Аёллар кўйлагининг ёқаси вертикал кесилган бўлиб, айримларининг бутун бўйига гулли жияк (тасма) яъни Зарафшон воҳа томонларда кийимларга тилла ипда тўқилган жияк тикилган. Бичилиши бир хил бўлган билан рангли матодан тикилган кўйлакларнинг ёқа, енг ҳамда этак қисмларига кашта тикиб безак бирилган. Иқлим шароитларга мослаштириб, кенг ва тўғри тикилган. Кўйлаklar ёзги ва қишки турларга ажратилган. Қишки кийимларнинг аксарияти пахтали чокли тикилган. Ёзги кийимлар эса енгил астарли, кенг ёқали тикилиб атрофи зие-жияк билан ҳошияланган. Энг қадимий либослар асосан маҳаллий косибий матолардан тикилган.



Бугунки кунга келиб бундай миллий кийим намуналари қадимда, асосан қариялар, аёллар ва ёш болалар томонидан кийилган кийимлар кўпроқ қишлоқ жойларда аёллар сарпосида ҳамда музейларда сақланиб қолган.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. И. Жаббаров. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент, “Ўқитувчи” 1994.
2. М. Рустамов. Ўзбекистон этнографияси. Тошкент, “Шарқ” 1991.
3. И.Жабборов. Ўзбеклар (Аеъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти).Тошкент, “Шарқ”, 2008.
4. Ўзбекистон маданий мероси. “SILK ROADMEDIA”, “ EAST STAR MEDIA” Тошкент 2020
5. Т.И. Ерёменка. Сеҳрли игна. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990.
6. С. Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент, “Меҳнат” 1991.
7. Амалий санъат қисқача луғати. Қомуслар бош таҳририяти. Тошкент, 1992.